

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЧИЛОВ ДИЛШОД ДИЛМУРАТОВИЧ

VACCINIUM MYRTILLUS L., GALEGA OFICINALIS L.
ЎСИМЛИКЛАРИ АСОСИДА ОЛИНГАН ФИТОДИАБЕТОЛ
ПРЕПАРАТИНИНГ ГИПОГЛИКЕМИК ТАЪСИРИ

14.00.17-Фармакология ва клиник фармакология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ачилов Дилшод Дилмуратович

Vaccinium myrtillus L., galega officinalis L.

Ўсимликлари асосида олинган фитодиабетолнинг

гипогликемик таъсири..... 3

Ачилов Дилшод Дилмуратович

Гипогликемическое свойства фитодиабетола,

полученного на основе растений Vaccinium

myrtillus L., galega officinalis L..... 23

Achilov Dilshod Dilmuratovich

Hypoglycemic properties of phytodiabetol obtained

from plants of Vaccinium myrtillus L., galega officinalis L..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЧИЛОВ ДИЛШОД ДИЛМУРАТОВИЧ

VACCINIUM MYRTILLUS L., GALEGA OFICINALIS L.
ЎСИМЛИКЛАРИ АСОСИДА ОЛИНГАН ФИТОДИАБЕТОЛ
ПРЕПАРАТИНИНГ ГИПОГЛИКЕМИК ТАЪСИРИ

14.00.17-Фармакология ва клиник фармакология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib673 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аллаева Мунира Журакуловна
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Даминова Лола Тургунпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Файзиева Зиёда Тураевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар моддалари кимёси илмий текшириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2- уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib673 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аллаева Мунира Журакуловна
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Даминова Лола Тургунпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Файзиева Зиёда Тураевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар модалари кимёси илмий
текшириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2- уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида қандли диабет билан касалланиш глобал тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳалқаро диабет федерацияси (IDF) маълумотларига кўра, «...2019 йилда дунёда 425 млн.дан ортиқ II тип қандли диабет касаллигига чалинган беморлар борлиги таъкидланган. 2040 йилда эса уларнинг сони 642 млн гача ортиш эҳтимоллиги борлиги башорат қилинмоқда»¹. Қандли диабетнинг тиббий-ижтимоий аҳамияти касалликнинг оғир асоратлари, юқори даражадаги ногиронлик ва ўлим сони билан изоҳланади. Шу сабабли ушбу патологияни олдини олиш ва даволаш мақсадида маҳаллий ўсимликлар асосида олинган дори воситаларининг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда *Vaccinium myrtillus* L., *galega officinalis* L. ўсимликлари экстрактларининг гипогликемик таъсир самарадорлиги бўйича бир қанча изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, иккала ўсимликнинг биргаликдаги гипогликемик таъсири ҳозирча ўрганилмаган. Шунини инобатга олиб, илк маротаба айнан шу ўсимликлар асосида олинган фитодиабетол дори воситасининг қандли диабетнинг турли моделларида гипогликемик хусусияти мавжудлигини асослаш, постпрондал гипергликемияни коррекция қилишда самарадорлигини баҳолаш ҳамда унинг гипогликемик таъсир механизмларини очиқ бериш, шифохонагача бўлган тадқиқотларини амалга ошириш ва тиббиёт соҳасига тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, турли соматик касалликларни самарали ташхислаш ва даволашда замонавий ва оммабоп дори воситаларини ишлаб чиқариш, тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш учун қуйидаги вазифалар белгиланган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ...»². Юқорида қайд этилган вазифалар аҳолининг турли қатламлари орасида қандли диабет касаллигидан ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини пасайишига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш орқали моддалар алмашинуви бузилишидан келиб чиқадиган хасталикларни камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Тарасенко Н.А. Сахарный диабет: действительностей прогноз профилактики. Современные проблемы науки и образования. 2017.№6

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора- тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган маълум вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳорижий олимлар томонидан инсулинга боғлиқ бўлган (ҚД-1 типи) ва инсулинга боғлиқ бўлмаган (ҚД-2 типи) қандли диабетнинг ривожланишини молекуляр механизмлари, гипогликемик хусусиятга эга бўлган доривор ўсимликлар, жумладан, оддий қорақат ва доривор эчки ўти ўсимликлари асосида турли дори воситаларини яратиш, уларни биологик фаоллигини ўрнатиш бўйича тадқиқотлар ўтказмоқдалар. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар Zhao R., Li Q., Xiao B., Yang X., Zeng Xetal, Umamaheswari S., Mainzen Prince P.S., Roglic G., Shahraki M. R., Arab M.R., Geiss L.S., Herman W.H., Smith P.J. ва МДХ мамлакатларидан Якимов Т.В., Насанов О.Н., Венгеровск А.И., Лапынин Л.А., Ашаев Л. А., Григорян Б. Р., Гриценко Е. Н., Коротков В.Д., Губин М. Д., Краснов В.П., Перельгин А. А., Трумпе Т. Е., Найданов Л.Ф., Бабякин А.Ф., Халецкий А.М. ва бошқалар томонидан жадал ривожлантирилмоқда. Хусусан, ўсимлик дори воситаларини таъсир механизми ва фармакологик хусусиятларини ўрганилиши, уларнинг антигипергликемик самарасини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Қандли диабетни даволашда кўп сонли дори воситаларининг бўлишига қарамасдан, уларнинг самарадорлиги кўп ҳолларда қониқарсизлигича қолмоқда. Шунинг учун қандли диабетни 2 типини даволашда замонавий, заҳарли таъсири кам юқори самарали дори воситаларини излаш давом этмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда Х.Х.Холматов, Т.П. Пўлатов, Х.У.Алиев, Ф.Ф. Ўрманова, С.Н.Аминов, В.Н.Абдуллабекова, Н.А.Юнусходжаевалар томонидан диабетга қарши хусусиятга эга бўлган ўсимликлар хом ашёсидан тайёрланган турли дамлама ва экстрактлар ишлаб чиқилмоқда. Улардан бири оддий қорақат ва доривор эчки ўти ўсимликлари асосида олинган Фитодиабетол дори воситаси ҳисобланади.

Фитодиабетол таркибидаги доривор эчки ўти экстракти глюкоза концентрациясини, гликирланган гемоглобинни, умумий холестерин миқдорини камайтиради, юқори зичликдаги липопротеинларда оқсиллар миқдорини оширади, инсулинга бўлган сезувчанликни тиклайди.

Қандли диабет билан касалланган беморларни даволаш учун халқ тиббиётида аллақачон қўлланиладиган оддий қорақат экстрактида гипогликемик хусусиятга эга бўлган, Р-витамин хусусиятли галлон кислоталар хосиласи ҳисобланган неомиртиллин гликозиди, аглюкон аниқланган. Бироқ, уларни доривор восита сифатидаги биргаликдаги таъсири ҳозирги кунгача ўрганилмаган, бу эса унинг молекуляр таъсир механизмларини ўрганиш бўйича комплекс тадқиқотларни ўтказиш заруриятини кўрсатади. Бундай тадқиқотлар қандли диабетни 2 типини даволаш учун янги юқори самарали доривор воситаларни яратиш учун муҳимдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03-4974.2712.2018 «Доривор ўсимликлар асосида олинган янги маҳаллий препаратларнинг фармакологик хусусиятларини ўрганиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб Фитодиабетол дори воситасини қандли диабетни турли тажриба моделларида махсус гипогликемик таъсирини ўрганиш ва организм учун хавфсизлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гипергликемиянинг турли тажрибавий усулларида (алиментар, адреналинли, аллоксанли, дитизонли) фитодиабетол дори воситасининг гипогликемик таъсири мавжудлигини исботлаш;

постпрондал гипергликемияни коррекция қилишда фитодиабетолнинг самарадорлигини баҳолаш;

дитизонли диабет моделида фитодиабетол дори воситасини гипогликемик таъсир механизмларини очиқ бериш;

аллоксанли диабет моделида фитодиабетолни жигар ва меъда ости безига таъсирини морфологик баҳолаш;

янги гипогликемик таъсирга эга фитодиабетол дори воситасининг шифохонагача бўлган тадқиқотларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент фармацевтика институти ходимлари томонидан яратилган фитодиабетол дори воситаси, глукейр тижорат дори воситаси, гипергликемия ва диабет моделидаги тажриба каламушлари, куёнлари, клиникагача бўлган тадқиқотлар учун тажриба ҳайвонлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида фитодиабетолнинг гипогликемик хусусиятини аниқлаш учун жигар, меъда ости безининг ультраюққа кесмалари, ҳайвонлар қони ва қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда фармакологик, биокимёвий, морфологик, токсикологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гипергликемия ва диабетнинг турли моделларида фитодиабетолнинг гипогликемик фаоллиги ўзининг гипогликемик хусусияти бўйича тижорат дори воситаси глукейрдан қолишмаслиги, фитодиабетолнинг самарали миқдори ҳамда юборилиш давомийлиги асосланган;

гипергликемия ва диабетнинг турли моделларида, интакт ҳайвонлардаги постпрондал гипергликемияни меъёрлаштириши учун фитодиабетолни қўллашни юқори самарадорлиги ҳамда уни экзоген инсулин таъсирини кучайтириши ва углевод юкламасига ҳайвонлар чидамлилигини ошириш хусусияти исботланган;

дитизонли диабет моделида фитодиабетол таъсир механизми; жигарда глюкокиназа ва мушакларда гексокиназани фаоллаштириши, гликогеннинг синтезини кучайтириши, парчаланишини секинлаштириши натижасида глюкозани тўқималарда ўзлаштирилиши ортиши, мушаклардаги фосфорилаза фаоллиги камайиши ва липидлар алмашинувини меъёрлаштириши исботланган.

Лангерганс оролчаларидаги β -ҳужайраларнинг регенерация имкониятини ортиши, яллиғланиш ва дистрофик жараёнларни пасайиши, фитодиабетол ҳамда глукейрни аллоксан диабетдаги фармакологик даволашда уларнинг секретор фаолиятини кучайиши ва ушбу дори воситалари таъсири остида жигардаги функционал-тузилмавий кўрсаткичларни тикланиши исботланган;

янги дори воситаси фитодиабетолнинг заҳарли, кумулятив, аллергик, сенсбилизация хусусиятлари ва тажриба ҳайвонларининг ҳаётий муҳим аъзоларига кўрсатадиган салбий таъсири мавжуд эмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабетни даволашни альтернатив усули сифатида маҳаллий хом ашёдан олинган фитодиабетолни 60 мг/кг миқдорда қўллашнинг афзалликлари баҳоланган;

глукейрга нисбатан солиштирилганда фитодиабетолни қўллашда постпрондал гипергликемияни пасайиши исботланган, дори воситаси экзоген инсулин таъсирини кучайтирган, ҳайвонларнинг углевод юкламасига бўлган чидамлилигини оширган, ёғлар метаболизмини яхшилаган, бу эса уни қандли диабетнинг енгил шаклидаги 2 типини даволаш учун тавсия этишга имкон берган;

фитодиабетолни қандли диабетнинг 2-типида дори воситаси сифатида қўлланилиши гипогликемик ва гиполипидемик таъсир кўрсатиши бўйича хорижий аналоглардан устунликка эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба ҳайвонлари ва дори воситасининг намуналари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган фармакологик, биокимёвий, морфологик, токсикологик ва статистик усуллар асосида фитодиабетолнинг гипогликемик таъсирлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти янги маҳаллий фитодиабетолнинг гипогликемик ва гиполипидемик таъсир механизмларини очиб бериш, ўткир

(алиментар ва адреналинли) ва сурункали (дитизонли ва аллоксанли) гипергликемияда мазкур дори воситасини гипогликемик хусусиятларининг мавжудлиги, ушбу таъсир механизми гликогенни парчаланишини секинлашиши ва ҳосил бўлишини фаоллашиши, жигар ва мушакларда глюкокиназа ва гексакиназалар фаоллашиши жигар ва меъда ости безларининг тузилмавий-функционал кўрсаткичларини тикланиши билан боғлиқдир, бу эса глюкозани тўқималарда ишлатилишининг тезлашиши билан изоҳланади.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ТошФармИ ходимлари томонидан ишлаб чиқилган фитодиабетол дори воситаси қандли диабетнинг энгил 2-типини даволашда самарали гипогликемик дори бўлиб ҳисобланади, гиполипидемик таъсирга эга, бу эса уни семириш ва гиперхолестеремия мавжудлигида тавсия этишга имкон беради. Фитодиабетол заҳарли, кумулятив, аллерген хусусиятга эга эмас, дори воситаларининг заҳарлилик таснифи бўйича кучсиз (IV) синфига киради ва бу уни Ўзбекистон Республикаси тиббий материаллар ва тиббий техникани экспертизадан ўтказиш ва стандартлаштириш Давлат маркази томонидан гипогликемик восита сифатида фойдаланишга тавсия этишга имкон беради. Мазкур дори воситасини клиник амалиётга тадбиқ этилиши қандли диабетнинг 2-типи билан хасталанган беморларни даволаш самарадорлигини оширишга имкон беради, даволаш таннарҳини пасайтиради ва импорт дори воситалари ўрнини босувчи бўлиб ҳисобланади. Ушбу импорт ўрнини босувчи дори воситасини яратилиши Ўзбекистон Республикасида маҳаллий хом ашёдан дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича дастурни бажарилишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Vaccinium myrtillus L.*, *galega officinalis L.* ўсимликларидан олинган фитодиабетолнинг гипогликемик таъсирини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Дори воситаларини антидиабетик хусусиятларини баҳолаш усуллари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 8н-д/27-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома фитодиабетолни меъда ичига асосан 60 мг/кг миқдорда қўлланилиши гипергликемияни камайтириш, гексокиназани фаоллаштириш, жигар ва мушакларда гликогенни парчаланишини секинлаштириш ҳамда ҳосил бўлишини ошириш, глюкоза метаболизмини тезлаштириш, постпрондал гипергликемияда инсулин таъсирини кучайтириш ва диабетик асоратларни ривожланиш хавфида организмда глюкоза гомеостазини қўллаб қувватлаш имконини берган;

Vaccinium myrtillus L., *galega officinalis L.* ўсимликларидан олинган фитодиабетолнинг гипогликемик таъсирини асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент фармацевтика институти координацион бирикмалар синтези ва фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг олий ўқув юртлариаро лаборатория иши фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 8н-з/103-сон

маълумотномаси). Олинган натижаларнинг «Ўзстандарт» агентлиги томонидан Фитодиабетолни ишлаб чиқиш учун техник шартлар Ts 26140431-001:2019 ва технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан (ТИ 26140431-001:2019) тасдиқланган ҳамда МЧЖ «АКТASH» томонидан ишлаб чиқарилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қандли диабет фармакотерапиясининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида қандли диабетни юзага келиш сабаблари ва мазкур касалликни даволашда қўлланиладиган дори воситалари, айниқса, 2 тип қандли диабет ва унинг фармакотерапияси ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, қандли диабетнинг фитотерапиясида ўсимликлардан тайёрланган дори воситаларнинг кенг қўлланилиши, уларнинг афзаллик томонлари кенг ёритилган. Табиий ўсимликлар асосида ва синтез йўли олинган препаратларнинг қандли диабетга қарши таъсирлари қиёсий таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда Республикамизда шифобахш ўсимликлар асосида олинган дори воситаларига бўлган эътибор кучайганлиги сабабли, уларнинг фармакологик хусусиятларига катта аҳамият қаратилган.

Диссертациянинг «**Vaccinium myrtillus L., galega officinalis L.** ўсимликларидан олинган фитодиабетолнинг гиполикемик таъсирини

баҳолаш материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг умумий тавсифи келтирилган, тадқиқот усуллари тўлиқ баён этилган. Тадқиқотлар ўтказишда 18-24 г бўлган оқ сичқонлардан, 160-195 г бўлган оқ каламушлардан, 2,4-3,8 кг қуёнлардан, 250-300 г денгиз чўчкаларидан ва 5,0-6,0 кг оғирликдаги мушуклардан фойдаланилди.

Фитодиабетол дори воситасининг специфик таъсири 4 турдаги тажрибавий усулларда ўрганилди: гипергликемия, аллоксанли диабет, адреналинли диабет ва дитизонли диабет. Тажрибалар 3 йўналишда олиб борилди: 1-серия тажрибаларида фитопрепаратнинг гипогликемик таъсири юқорида кўрсатилган қандли диабетнинг тажрибавий усуллари ёрдамида ўрганилди; 2-серия тажрибаларида фитодиабетолнинг гипогликемик таъсир механизми Глукейр ва α -липой кислотаси билан солиштирилиб ўрганилди; 3-серия тажрибаларида фитодиабетолнинг фармакологик ва токсикологик текширувлари ўрганилди.

Ўткир гипергликемия тажриба усули 4-6 соат оч қолдирилган каламушларнинг қорин пардасига бир марта 4,5 г/кг миқдорда глюкозани гипертоник эритмасини юбориш йўли билан чақирилди [О.В.Ремизова, Т.Л.Кураева, 2003]. Глюкозани юборишдан 30 дақиқа олдин фитодиабетол фитопрепарати 6, 60 ва 120 мг/кг миқдорларда зонд ёрдамида оғиз орқали юборилди ва 30-, 60-, 90- ва 120-дақиқаларда қондаги глюкоза миқдори ферментатив усул билан аниқланди.

Адреналинли диабет. Фитодиабетолнинг адреналинли гипергликемия кечимига кўрсатадиган таъсири. 8 соат давомида оч қолдирилган тажриба каламушларига оғиз орқали фитодиабетол 6, 60 ва 120 мг/кг миқдорларда ва назорат гуруҳ каламушларига мос хажмда дистилланган сув берилди. 30 дақиқадан сўнг 50 мкг/кг дозада адреналин гидрохлорид юборилди ва ферментатив усул ёрдамида қондаги қанд миқдори аниқланди [В.Г.Баранова, 2006].

Аллоксанли диабет усули. Лаборатория каламушларига аллоксанни диabetоген миқдорда, яъни 150 мг/кг миқдорда бир марта венага юборилди ва қондаги глюкоза миқдори ферментатив усул билан аниқланди. Аллоксан юборилгандан 24 соат кейин фитодиабетол 6,60 ва 120 мг/кг хамда қиёсий Глукейр препарати 50 мг/кг миқдорларда оғиз орқали берилди [О.В.Ремизова, Т.Л.Кураева, 2003].

Фитодиабетол препаратининг жигар ва ошқозон ости беzi гистологик тузилишига таъсири аллоксанли диабет кечимида 36 та эркак каламушларни стандарт шароитда сақлаб ўрганилди. Тажриба каламушларига 6, 60 ва 120 мг/кг миқдорларда фитодиабетол 2 ой давомида оғиз орқали бериб борилди. Назорат гуруҳига мос хажмда дистилланган сув берилди. Тажриба якунида ошқозон ости беzi ва жигардан гистологик текширувлар учун кесмалар олинди. Гистологик текширувлар Республика патологоанатомия маркази директори, профессор Р.И.Исраилов билан хамкорликда олиб борилди.

Дитизонли диабет. Дитизон (дифенилтиокарбазон) 25 ва 35 мг/кг дозада аммиакли сувда эритилиб, қуёнларнинг қулоқ венасига кунига бир мартадан 30 кун давомида юборилди. Дитизонли диабетнинг енгил ва ўрта-оғир

шаклларида фитодиабетолнинг 6 ва 60 мг/кг дозалардаги таъсири ўрганилди. 1- гуруҳда гипергликемия 11,5-13,5 ммоль/л. ни, 2-гуруҳда эса - 20,0-23,0 ммоль/л.ни ташкил этди. Таққослаш учун диабетга қарши ГЛУКЕЙР препарати (50 мг/кг) айнан бир хил шароитда 30 кун давомида берилди. Гликемия даражаси тажрибанинг 15- ва 30-кунларида аниқланди.

2-серия тажрибаларида фитодиабетолнинг гипогликемик таъсир механизмини ёритишда қондаги С-пептид даражасига Фитодиабетолнинг таъсири 165-186 г вазнли 24 та оқ каламушларда аллоксанли диабет шароитида ўрганилди. Лаборатория каламушларига фитопрепарат 6 ва 60 мг/кг, глукейр эса 50 мг/кг дозада 2 ҳафта давомида оғиз орқали берилди. Назорат гуруҳи каламушларига мос бўлган ҳажмда физиологик эритма юборилди. Тажрибанинг 7 ва 14 кунда қон таркибидаги С-пептид даражаси радиоиммун усули билан аниқланди.

Жигардаги гликоген миқдорида фитодиабетолнинг таъсирини вазни 2,6-3,8 кг бўлган 12 та қуёнларда ўрганилди. Тажрибадаги гуруҳ ҳайвонларига 3 сутка давомида 6 ва 60 мг/кг дозада оғиз орқали фитодиабетол ва назорат гуруҳи ҳайвонларига эса мос ҳолда физиологик эритма юборилди. Тажриба якунида жигар ва мушаклардаги гликоген миқдори антрон реактиви ёрдамида аниқланди [Юнусходжаев А.Н., 2000].

Фитодиабетолнинг гексокиназа ва фосфоорилаза ферментлари фаоллигига таъсири вазни 2,5-3,5 кг ли 12 та қуёнларда дитизонли диабет кечишида аниқланди. Тажриба гуруҳ ҳайвонларига икки ҳафта давомида 6 мг/кг ва 60 мг/кг дозаларда фитопрепарат ва назорат гуруҳига мос равишда физиологик эритма юборилди. Дитизонни юборишдан олдин ва кейин биоматериалдаги ферментлар фаоллиги аниқланди. Гексокиназа фаоллигини аниқлаш учун глюкозанинг якуний миқдори (назорат синамаси) ва гексокиназа реакциясидан кейинги намуналарда қолган глюкоза миқдори (тажриба синамаси) ўлчанди ҳамда назорат ва тажриба синамалари ўртасидаги фарқ бўйича гексакиназа фаоллиги ҳисоблаб чиқилди. Қон зардобидидаги биокимёвий кўрсаткичлар унифицирланган усул ёрдамида аниқланди: аспартат-аминотрансфераза (AST) ва аланинаминотрансфераза (ALT) – Райтман-Франкел усулида, ишқорий фосфатаза (ALP)– нитрофенилфосфатли усулда, глюкоза миқдори (Glu)–колориметрик ферментатив глюкозооксидаз усулида; умумий оқсил (TP)–колориметрик биуретов усулида; билирубин (TBil, DBil) – колориметрик ДМСО (CYPRESS Diagnostics, Бельгия фирмаси реактивлари ёрдамида ВА-88 А биокимёвий анализаторда (Mindray, P.R.China) аниқланди.

3-серия тажрибаларида Фитодиабетол препаратининг маҳаллий китикловчи, аллергик, кумулятив таъсирлари, ўткир ва сурункали захарлиликлари ҳамда юрак қон-томир, нафас тизимига таъсирлари умум қабул қилинган фармакологик усуллар ёрдамида ўрганилди [Хабриев Р.У, 2005]. IgE, IgG, IgM иммуноглобулинларнинг умумий миқдори иммунофермент анализаторда Вектор-Бест (Россия) тўплами ёрдамида ўрганилди.

Олинган барча маълумотлар Стъюдент t-критериясидан фойдаланган холда вариацион статистика усули ёрдамида STATISTICA version 6. StatSoft, inc. (2006) дастурида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг тажриба изланишларининг натижалари ва уларнинг муҳокамаси «Фитодиабетолнинг гипогликемик таъсирини қандли диабетнинг турли моделларида ўрганиш», «Фитодиабетолнинг гипогликемик таъсирининг баъзи механизмларини аниқлаш» ва «Фитодиабетолнинг клиник олди безарарлигини ўрганиш» деб номланган бобларда тақдим этилган.

Глюкозанинг гипертоник эритмасини венага юбориб чақирилган ўткир алиментар гипергликемияда (ЎАГ) глюкозанинг қондаги миқдори интакт кўрсаткичларга нисбатан тажрибанинг 30, 60 ва 120 дақиқаларида 73,5; 76,7 ва 60,5 % (P<0,05) га ошганлиги кузатилди (1-жадвалга қаранг). Олинган натижалар интакт каламушлар организмида инсулиномиметик таъсири бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

1- жадвал

Ўткир алиментар гипергликемияда фитодиабетол препарати ва унинг таркибий қисмларининг қондаги глюкоза миқдorigа таъсири (M±m; n=6)

Гуруҳлар	Миқдори, ммоль/л		
	30 дақиқа	60 дақиқа	120 дақиқа
Интакт	4,50±0,38	4,72±0,53	5,02±0,40
Ўткир алиментар гипергликемияда + физ.эритма	7,81±0,20 *^^	8,34±0,50 *^^	8,06±0,30* ^^
Ўткир алиментар гипергликемияда + қорақат экстракти, 30 мг/кг	5,62±0,20*^ ^^	5,46±0,70*^ ^^	6,24±0,62* ^^
Ўткир алиментар гипергликемияда + эчки ўти экстракти, 50 мг/кг	5,18±0,18* ^	5,03±0,52*^	5,25±0,14*
Ўткир алиментар гипергликемияда + фитодиабетол, 60 мг/кг	5,02±0,20* ^	4,80±0,30*^	4,70±0,40*^ ^^
Ўткир алиментар гипергликемияда + Глукейр, 50 мг/кг	5,10±0,24* ^	4,97±0,70* ^	5,01±0,30^


Изох: * - интак хайвонларда олинган натижаларга нисбатан ишончлилик даражаси (* - P<0,05, ^ - назорат хайвонларда олинган натижаларга нисбатан ишончлилик даражаси; (^ - P<0,05); ^^ - Глукейр натижаларга нисбатан аниқлик даражаси (^^ - P<0,05)

Қорақат экстракти (50 мг/кг) таъсирида қондаги қанд миқдори 30, 60 ва 120 дақиқаларда 28,0%, 34,5% ва 22,6% га назорат гуруҳига нисбатан камайганди. Эчки ўти экстракти (70 мг/кг) таъсирида бу кўрсаткич мос равишда 33,7%; 39,7 % ва 34,9 % ни ташкил этди. Фитодиабетол таъсирида эса гипергликемия ҳолати тажрибанинг 30 дақиқасида 35,7 %, 60 дақиқада

42,4 % ва 120 дақиқада 41,7 % га камайди. Таққослаш учун олинган глюкоз дори воситаси айнан эчки ўти экстракти сингари таъсир кўрсатди. Демак, Фитодиабетол дори воситаси 60 мг/кг миқдорда унинг таркибидаги эчки ўти ва қорақат экстрактларидан самаралироқ гипогликемик таъсирга эга ва у фаоллиги бўйича қиёсланган дори воситасидан қолишмайди.

Маълумки, адреналин жигарда гликогенолиз жараёнини кучайтириб, гипергликемия ва глюкозурия ҳолатларини чақиради. Адреналин инъекция қилингандан сўнг қонда глюкоза миқдорининг ошиши маълум даражада организмда углеводлар захирасининг ҳолатини белгилайди, шу сабабли углеводлар алмашинувиининг бузилишини белгиловчи кўрсаткич сифатида ундан фойдаланиш мумкин. Бошқа томондан, жигарда глюкогон ёки адреналин миқдорининг ошиб кетишини ҳам диабетда глюкоза гомеостазининг патогенетик омили ҳисобланади. Бунинг исботи сифатида α - ва β -адреноблокаторлар таъсирида гипогликемия қайд этилишининг ўзи кифоя.

Шунинг учун Фитодиабетол дори воситаси адреналинли гипергликемияга таъсири тажриба каламушларида ўрганилди. Фитопрепарат 6, 60, 120 мг/кг миқдорларда адреналинли гипергликемия кечимида самарали гипогликемик таъсирга эгаллиги тажрибада исботланди. Адреналин таъсирида қондаги қанд миқдори $4,72 \pm 0,20$ ммоль/л дан $7,85 \pm 0,33$ ммоль/л гача ($P < 0,01$) кўтарилиб гипергликемия кузатилди (1-расмга қаранг). Фитодиабетол билан даволанган каламушларда қондаги қанд миқдори 6 ва 60 мг/кг миқдорларда 30 дақиқадан сўнг $7,85 \pm 0,33$ ммоль/л дан $6,15 \pm 0,50$ ва $6,02 \pm 0,43$ ммоль/л га (21,7% ва 23,3%), 60 дақиқадан кейин мос равишда $5,50 \pm 0,45$ ва $5,10 \pm 0,6$ ммоль/л (29,9% ва 35,0%) камайди ($P < 0,01$). 120 мг/кг миқдорда фитопрепарат қондаги глюкоза миқдорини 30 дақиқадан сўнг $7,81 \pm 0,39$ ммоль/л дан $6,45 \pm 0,58$ ммоль/л га (17,4 %; $P < 0,05$) ҳамда 60 дақиқадан кейин $5,43 \pm 0,84$ ммоль/л (30,5 %; $P < 0,01$) га туширди.



1 расм. Адреналинли гипергликемияда дори воситалари таъсири остида ҳайвонлар қонидаги глюкоза миқдорини ўзгариши

Айни шу вақтда қиёсий препарат Глукейр адреналинли диабет кечимида қондаги глюкоза миқдори Фитодиабетол сингари назорат гуруҳига нисбатан $5,15 \pm 0,43$ ммоль/л ва $4,84 \pm 0,38$ ммоль/л гача (мос равишда 34,4% ва 38,0%) камайтирди. Натижалар асосида хулоса қилиш мукинки, Фитодиабетол қиёсий Глукейр дори воситаси сингари ўрганилган миқдорларда, айниқса 60 мг/кг миқдорда адреналин билан чақирилган гипергликемияда самарали гипогликемик таъсирга эга ва у организмда глюкоза гомеостазини меъёрлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, юқорида ўрганилган тажрибавий қандли диабет усулларида ошқозон ости беи инсуляр аппарати жароҳатланмаган ва шу сабабли периферик қонда инсулин миқдори физиологик миқдорда сақланиб қолди. Бирок, 1 тип қандли диабетда Лангерганс оролчалари β -хужайралари атрофияга учраши сабабли, инсулин етишмаслиги кузатилади.

Маълумотларга қараганда, аллоксан аралаш типдаги қандли диабетни келтириб чиқаради ҳамда юборилган миқдорига кўра енгил, ўрта ва оғир даражада таъсир этади. Фитодиабетол дори воситасининг айнан қайси типдаги қандли диабетга даволовчи самарадорлигини аниқлаш мақсадида аллоксанли диабет кечимининг енгил даражасида унинг таъсирини ўргандик.

Тажриба каламушларига аллоксан (150 мг/кг) юборилгандан сўнг 24 соат ўтгач, 6, 60 ва 120 мг/кг ларда Фитодиабетол ва қиёсий Глукейр дори воситалари 30 кун давомида қунига 1 мартадан оғиз орқали мунтазам равишда бериб борилди.

Аллоксан таъсирида каламушлар қонидаги глюкоза миқдори интакт гуруҳга нисбатан 2,19 баробар, яъни 8,91 ммоль/л га ($P < 0,001$) ошганлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Фитопрепаратлар таъсирида аллоксанли диабетнинг енгил шаклида каламушлар қонидаги глюкоза миқдорининг ўзгариши ($M \pm m$; $n=6$)

Гуруҳлар	Глюкоза, ммоль/л	P_1/P_2
Интакт	$4,06 \pm 0,34$	
аллоксанли диабет + H ₂ O (назорат)	$12,97 \pm 0,83$	$< 0,001$
аллоксанли диабет + фитодиабетол, 6 мг/кг	$5,63 \pm 0,38$	$< 0,05 / < 0,001$
аллоксанли диабет + фитодиабетол, 60 мг/кг	$4,93 \pm 0,33$	$< 0,05 / < 0,001$
аллоксанли диабет + фитодиабетол, 120 мг/кг	$5,11 \pm 0,17$	$< 0,05 / < 0,001$
Глукейр, 50 мг/кг	$5,84 \pm 0,42$	$< 0,05 / < 0,01$

Изоҳ: P₁ – интакт гуруҳига нисбатан ишончлилик даражаси; P₂ – назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик даражаси

Фитодиабетол дори воситаси билан 6; 60 ва 120 мг/кг миқдорларда бериб даволанганда глюкоза миқдори назорат гуруҳига (аллоксанли диабет + H₂O) нисбатан мос равишда ишончлилик аниқлик даражасида 7,34 ммоль/л


($P < 0,001$); 8,04 ммоль/л ($P < 0,001$) ва 7,86 ммоль/л га ($P < 0,001$) камайди. Референс дори воситаси Глукейр 50 мг/кг миқдорда қондаги глюкоза миқдорини назорат гуруҳига нисбатан 7,13 ммоль/л га ($P < 0,002$) камайтирди. Тажрибавий аллоксанли диабет кечимида ҳам Фитодиабетол 60 мг/кг миқдорда бошқа тажриба гуруҳларига нисбатан самаралироқ гипогликемик таъсир кўрсатди ва 20 кун давомида берилганда интакт кўрсаткичга яқинлашгани аниқланди.

Навбатдаги тажрибаларда аллоксанли диабетда аллоксан таъсирида меъда ости беzi β -хужайралари некрозга учраганлиги сабабли, С-пептид секрецияси ҳам сезиларли даражада камайди ва фитодиабетол дори воситаси билан даволанганда 6 мг/кг дозада $0,34 \pm 0,06$ пг/мл дан $0,41 \pm 0,03$ пг/мл га (20,6%) ва 14-кунида $0,35 \pm 0,06$ пг/мл дан $0,46 \pm 0,08$ пг/мл га (31,4%) га ошди. Фитопрепарат 60 мг/кг миқдорда самарали таъсир кўрсатиб, даволашнинг 7-кунида С-пептиднинг секрецияси $0,34 \pm 0,06$ пг/мл дан $0,47 \pm 0,06$ пг/мл га (38,2%; $P < 0,05$), 14-кунида эса $0,55 \pm 0,04$ пг/мл (57,1 %; $P < 0,05$) га ошди. Глукейр препарати таъсирида унинг миқдори мос равишда назорат гуруҳига нисбатан 23,5 ва 45,7 % га ошганлиги аниқланди.


Аллоксанли диабет кечишида ўрганилаётган препаратнинг инсулинга бўлган толерантлиги ўрганилди ва у 60 мг/кг миқдорда 55 % лаборатория каламушларида инсулинга нисбатан сезувчанликни оширганлиги аниқланди.

Олинган натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, Фитодиабетол дори воситаси ўрганилган миқдорларда, айниқса 60 мг/кг миқдорда аллоксанли диабет кечимида референс Глукейр дори воситасига нисбатан ҳам самаралироқ гипогликемик таъсир кўрсатади. Фитопрепарат С-пептид секрециясини ва инсулинга нисбатан сезувчанликнинг оширади, периферик тўқималарда глюкозанинг ташилишини кучайтиради.

Фитодиабетолнинг диабет кечимида самарали таъсири меъда ости безининг гистоморфологик текширувлари асосида исботланди (2,3,4,5-расмлар).



2-расм. Аллоксанли диабет негизда каламушлар меъда ости беzi қуриниши
Буёк: Г-Э. кат: ок.10, об. 20.




3-расм. Назорат гуруҳи каламушлари меъда ости беzi қуриниши Буёк: Г-Э. кат.: ок.10, об. 20

Фитопрепарат таъсирида аллоксанли диабетда тажриба ҳайвонлари меъда ости беzi эндокриноцитларида қон билан таъминланиш, панкреатик


оролчада пролифератив ва регенератив жараёнлар кучайиши исботланди. Натижада у ердаги функционал ҳолат яхшиланади ва инсулиннинг секрецияси ошади.

Маълумки, қонда қанд миқдори ортганда меъда ости бези Лангерганс оролчалари β -хужайраларида инсулин билан бир қаторда цинк миқдори ҳам камайиб кетади. Шунинг учун навбатдаги тажрибаларда Фитодиабетол дори воситасинг дитизонли диабет кечимига таъсири тажриба қуёнларида ўрганилди. Дитизон моддасини 25 ва 50 мг/кг миқдорларда юбориб, тажриба қуёнларида дитизонли диабетнинг енгил ва ўрта оғир даражалари юзага чиқарилди.

Дитизонли диабетнинг енгил кечимида қуёнлар қонидаги глюкоза миқдори интакт гуруҳга нисбатан 2,0 баробарга ($P < 0,001$) ошганлиги аниқланди (3-жадвалга қаранг).



4-расм. Аллоксанли диабет да фитодиабетол билан даволангандаги (6мг/кг) каламушлар меъда ости безининг кўриниши Буюк: Г-Э. Кат: ок.10, об. 20.



